

Пудратшартномаси №5

2022 й. «14» 12

524-12-173-ОВ/2022-

СОН

Урганч туман

Кейинги уринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган Урганч туман Ободонлаштириш бошқармаси номидан Низом асосида иш курувчи буюртмачи А.Ахмедов бир томондан ва кейинги уринларда «Пудратчи» деб юритиладиган «Хоразм Трес 12» МЧЖ Номидан Низом асосида иш курувчи Ш.Юлдашев иккинчи томондан Урганч тумани Анжирчи маҳалласида Пиёдалар йўлакчаси ва тунги ёритгич чирокларини жорий таъмирлаш ишларига доир мазкур пудрат шартномасини туздилар.

I.Таърифлар

1. Мазкур шартномада қуйидаги таърифлар қулланилади:

Ижро ҳужжатлари – натурала бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун маъсул булган шахслар томонидан уларга киритилган узгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тугрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект қурилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва урнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда қулланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тугрисидаги далолатномалар, айрим маъсулиятли конструкциялар оралик даврда қабул қилиниши тугрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги синови тугрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;

қурилиш майдони – мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси.

Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қуйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қуйилади;

Вактинчалик иншоотлар – Пудратчи томонидан қурилиш майдонида урнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур булган ҳар қандай типдаги вактинчалик бинолар ва иншоотлар;

Беркитиладиган ишлар – сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин булмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

Шартнома нархини бўлиб чиқиш – ишларнинг ҳар бир босқичи ёки турлари қиймати аниқ белгиланган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

II.Шартнома мавзуси

2.Пудратчи мазкур шартнома шартларига Урганч тумани Анжирчи маҳалласида Пиёдалар йўлакчаси ва тунги ёритгич чирокларини жорий таъмирлаш смета лойиҳада қўзда тутилган объектни қуриш бўйича таъмирлаш ишларини бажариш мажбуриятини олади. Буюртмачи эса Пудратчига таъмирлаш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва туловли амалга ошириш мажбуриятини олади.

III.Шартнома бўйича ишлар қиймати

3. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажариладиганган, танлов савдоси(тендер) натижасида аниқланган ва танлов комиссиясининг билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни (КҚС) ни ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда 253 694 524 (Икки юз эллик уч миллион олти юз тўқсон тўрт минг беш юз йигирма тўрт сўм) сўмни ташкил қилади.

4.Ишлар қиймати ўзил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта қуриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно :

қурилиш қийматини қўнайитиришга еттиб бўлмайдиган қуч(форс-мажор)ҳолатлари сабаб булганда;

ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартirilганда;

объектнинг қурилиши бир йилдан ортиққа ўзгартirilганда.

5.Таъмирлаш муддати бир йилдан ортиқ булганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6.Тегишли асослар мавжуд булганда, санаб утилган узгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи уртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

IV.Пудратчининг мажбуриятлари

7.Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II-булимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга I - иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда узининг қучлари ва ёки жалб қилинган қучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш, бунда объект нархнинг қамиди 20% миқдоридаги ишларни ўз қучлари билан бажариши шарт;

қурилиш майдони ҳудудида вактинчалик иншоотлар қуриш;

Буюртмачининг пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тугрисида ҳабардор қилиш;

қурилиш майдонида техника ҳавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф-муҳитни, утқазилган дарахларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироклари урнатиш;

мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тугрисидаги далолатнома имзоланган қўндан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вактинчалик бинолардан буштириш;

қурилиш майдони қуриқлианишини таъминлаш;

мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тулик ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

V.Буюртмачининг мажбуриятлари

8.Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

мазкур шартнома имзоланган қўндан бошлаб ўч қўн муддатда мазкур шартномага I - иловага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли булган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунгача булган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

ишлар бажарилиши устидан доимий назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини таъминлаш;

Пудратчининг барча мурожаатларини ўн қўн муддатда қуриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

Молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига 2 - иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

Қўриб чиққан юрист: ATADJANOV JASUR KADAMBAYEVICH. Ҳужжат рақами: FH3865407540

Мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тулик хажмда бажариш мажбуриятини олади:

VI. Ишларни бажариш муддатлари

9. Шартнома: миллий валюта "Сум"да узаро ҳисоб-китоб килинганда томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб; кейинчалик ЭАВ га конвертация қилган ҳолда миллий валютада "сумда" узаро ҳисоб-китоб килинганда – шартнома қонун ҳужжатларига мувофиқ руйхатдан ўтказилгандан кейин қучга қиради.
10. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ биринчи аванс тулови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга қиришади.
12. Ташлов савдолари натижаси бўйича аниқланган қурилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан **10** кунни ташкил этади.
13. Мазкур шартнома бўйича ишлар ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

VII. Туловлар ва ҳисоб-китоблар

14. Буюртмачи Пудратчига мазкур шартнома бўйича мақсадли аванс беради ташкилотнинг молиялаштириш жадвали бўйича тўғридан-тўғри пудратчининг ҳисоб рақамига ишлар умумий қийматининг 30 фоиз миқдорида аванс ўтказади, бу **76 108 357 (Етмиш олти миллион бир саккиз минг уч юз эллик етти минг)** сўмни ташкил этади.
15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос ҳисобланади.
16. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати қабул қилингандан кейин, берилган авансни ҳисобга олган ҳолда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофиқ объектнинг умумий шартномавий жорий қийматининг 100 фоизигача доирасида амалга оширилади.
17. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича уз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома қучга қирган кундан бошлаб уттиз кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар қиритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тулашдан озол қилинмайди.

VIII. Ишларни бажариш

18. Буртмачи қурилиш майдонида уз вакилини- техник аудиторни тайинлайди, у Буртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.
19. Техник назоратчи ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тусиксиз танишиш ҳуқуқига эгадир.
20. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг курсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исалган қисмини уз ҳисобидан очишга, сунгра эса уни тиклашга мажбурдир.
- Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилиғисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар ҳисобланмайди.
21. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи уз қучлари билан ва қурилиш қийматини қупайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун қелишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 34-бандининг иккинчи хат бошида курсатилган ҳоллар бундан мустасно.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни қелишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тулайди.

22. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ қуча полосасини, шу жумладан йул участкалари ва йулақларни супуриб-сидиради ва оғода сақлайди, қурилиш даврида майдондан қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан курсатилган жойга чиқариб ташлайди

X. Енгиб бўлмайдиган қуч (форс-мажор) ҳолатлари

23. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тулик бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган қуч ҳолатлари натижасида қелиб қикса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тулик бажармаслик учун жавобгарликдан озол этиладилар.
- Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган қуч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзга келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.
24. Агар енгиб бўлмайдиган қуч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан қуч қузилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни қонсервация қилиш учун қандай қоралар қурилишини муҳокама қилидилар.
25. Агар томонлар икки ой ичида қелиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

XI. Қурилиш тугалланган объектни қабул қилиб олиш

26. Қурилиш тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиш тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.
27. Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги туғрисида Пудратчининг ёзма билдиришномаси Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 3 кун мобайнида қабул қилиб олинади.
28. Пудратчи қурилиш тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V-бўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгиланган таркибда икки нусхада ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар тулами амалда бажарилган ишларга тулик мос қелишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.
29. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

XII. Кафолатлар

30. Пудратчи:

барча ишлар тулик хажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;
лойиха ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини, уз томонидан қурилиш учун қулланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха ҳужжатларида курсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;
ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг қафолатли даврида аниқланган қамчиликлар ва нуқсонларни уз вақтида бартараф қилишини;
объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини қафолатлайди.

31.Объект ва унга кирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш тугрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб белгиланади.

XIII.Шартномани бекор қилиш

32.Буюртмачи:

шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга қура Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга қупайган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

Пудратчи томонидан шартнома шарҳлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

қонуң ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

33.Пудратчи:

ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга қура Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тухтатиб қўйилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

қонуң ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

34.Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига қура тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тулайди.

35.Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қондасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

36.Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни,шу жумладан бой берилган фойдани тулайди.

37.Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонуң ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

XIV.Томонларнинг мулкый жавобгарлиги

38.Томонлардан бири шартнома шартларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон: иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди:

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, «Ҳужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тугрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунида, бошқа қонуң ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тўғйиладди.

39.Мазкур шартномага тегишли иловаларда қўрсатилган уз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, уз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,04 фоизи миқдорига пеня тулайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки қўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня туланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

40.Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортганлиги учун Буюртмачи Пудратчига уз тасдиқлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 20 фоизи миқдорига жарима тулайди.

41.Пудратчи объектни уз вақтида ишга тушириш бўйича уз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати утказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,05 фоиз миқдорига пеня тулайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар уз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати утказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,05 фоизи миқдорига пеня тулайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 20 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тулаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар қўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

42.Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган ҳаражатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарни қоплайди.

43.Муддат утказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тулаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

XV.Низоларни ҳал этиш тартиби

44.Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо будадиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонуң ҳужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий суди томонидан қуриб чиқилади.

XVI.Алоҳида шартлар

45.Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар уртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг узаро қелишувлари уз қучини йўқотади.

46.Мазкур шартномага барча узгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар томонидан имзолашиб, Бюджет кодексининг 122-моддасига асосан Ғазначиликдан рўйхатдан ўтган кундан бошлаб кучга қиради ва 31.12.2022 йилгача қадар амал қилади.

47.Буюртмачи билан Пудратчи уртасидаги мазкур шартномадан қелиб қикмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай ахдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки узгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлашни керак.

48.Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонуң ҳужжатлари нормалари қулланилади.

49.Мазкур шартнома бир ҳил юридик қучга эга бўлган 3 нусхада тузилди.

XVII.КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ШАРТЛАШУВ

50. Ушбу шартноманинг ҳар бир томони ўзига нисбатан қўлланиладиган барча, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонуңлик ва норматив 15 ҳужжатларидаги Коррупцияга қарши тегишли шартлар ва талабларни тушуниши ҳақида бир-бирини ишонтиради ва уларга амал қилишнинг кафолатлайди.

51. Истеъмолчи ушбу шартнома амалда бўлган бутун давр мобайнида у (шунингдек унинг мансабдор шахслари, директори, ходимлари, агентлари ва бошқа вакиллари) Таъминотчи қорхонанинг манфатларида унинг агенти ёки вакили сифатида ҳаракат қилиб,

Таъминотчи қорхонанинг ҳамда Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилик ва норматив ҳужжатларининг Коррупцияга қарши тегишли шарҳлари ва талабларига қатъий риоя этиш мажбуриятини олади.

XVIII. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ
ПУДРАТЧИ: **БУЮРТМАЧИ:**

“ХОРАЗМ ТРЕС 12” МЧЖ	Урганч тумани Ободонлаштириш бошқармаси
Урганч тумани Қумравот мҚумравот кўчаси 103 уй	Манзил Тинчлик кўчаси Ғалаба боғи
Х/р 20208 000 705 348 676 001	Шхр: 100022860332177065200110008
АТБ Микрокредит банк Қоравул филиали	Тошкент шаҳар Марказий банк
МФО000570 ИНН 308225124 ОКЭД 41202	ИНН 206947891 МФО 00014
	Молия вазирлиги Ғазначилиги
	х/р 234020003000100001010 ИНН 2011229189



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY
XULOSA**

FH3865407540

1. Loyihaning turi : Shartnoma


2. Loyihaning nomi: **PUDRAT ShARTNOMASI**

("Xorazm Tres 12 "MChJ bilan 253 694 524 (Ikki yuz ellik uch million olti yuz to'qson to'rt ming besh yuz yigirma to'rt so'm)

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: URGANCH TUMANI HOKIMLIGI HUZURIDAGI OBODONLASHTIRISH BOSHQARMASI tomonidan 14.12.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Urganch tuman
yuridik markazi
markaz rahbari:**



J.K.ATADJANOV

14.12.2022

Урганч туман Анжирчи МФЙда пидедалар йўлакчаси ва тунги ёритиш чирокларини жорий таъмирлаш бўйича ойлар давомда ишларини молияштириш графиги

1-илова

Т/Р	Объект номи ва манзили	Хажм бирлигининг киймати	2022 йил учун молиялаштириш киймати											
			1-чорак			2-чорак			3-чорак			4-чорак		
			январь	февраль	март	апрель	май	июнь	июль	август	сентябрь	октябрь	ноябрь	декабрь
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15
1	Урганч туман Анжирчи МФЙда пидедалар йўлакчаси ва тунги ёритиш чирокларини жорий таъмирлаш	253 694 524,0												253 694 524,00
	Аванс суммаси	76 108 357,20												76 108 357,20
	Бажарилган иш учун	177 586 166,80												177 586 166,80

МУ



Буюртмачи



Иудратчи

[Signature]

Урганч туман Анжирчи МФЙда пидедаглар йўлакчаси ва тўғи ёритиш чирокларини жорий таъмирлаш бўйича ойлар давомида ишларни бажариш графиги

2-илова

Т/Р	Объект номи ва манзили	Хажм бирлигининг киймати	2022 йил учун ишларни бажариш киймати											
			1-чорак			2-чорак			3-чорак			4-чорак		
			январь	февраль	март	апрель	май	июнь	июль	август	сентябрь	октябрь	ноябрь	декабрь
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15
1	Урганч туман Анжирчи МФЙда пидедаглар йўлакчаси ва тўғи ёритиш чирокларини жорий таъмирлаш	253 694 524,0												253 694 524,0

МУ

Буюртмачи



Пудратчи

